

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Абодбой Қиличбоев, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Илмий методика ва тадқиқот хизмати бош мутахассиси

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида давлатимиз сиёсатига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устиворлиги алоҳида эътироф этилган. Зеро, инсонларнинг, жумладан, ходимларнинг саломатлиги миллий бойлигимиздир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш - тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат доимий фаолиятдаги механизм ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар ва касб касалликларидан муҳофаза қилиш дунёдаги долзарб масалалардан биридир. мазкур муаммони ижобий ечиш учун, авваломбор, унинг ҳақиқий манбаларини билиш зарур. Ҳеч бир бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги маълум бир сабабсиз юзага келмайди. Бундай ҳолатлар замирида меҳнатга бўлган эътиборсизлик, лоқайдлик, ижро интизомининг сустлиги, меҳнат муҳофазаси маданияти ва касбий малака даражасининг саёзлиги каби иллатлар ётади. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг 19 фоизи ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш чоғида юз беради. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг асосий манбалари - рақ касаллиги 32 фоиз, юрак-қон томир касаллиги 23, инфекция касаллиги 17, нафас олиш органлари ва ошқозон касалликлари 6, инсон руҳияти бузилиши билан боғлиқ касалликлар 3 фоиздан иборат.

Дунё бўйича ҳар куни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туйғули ҳамда касб касаллигига чалиниш оқибатида ўртача 5 минг одам вафот этади, ҳар йили 2.7 минг нафар ходим ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса қурбони бўлади. 160 миллиондан ортиқ киши

касб касаллигига чалинади. Шу боис мамлакатимизда меҳнат меҳнат муносабатларида ходимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгилаб берилган.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Меҳнат кодексининг 177-моддасига мувофиқ ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиш, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориш иш берувчининг асосий бурчлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низом, 2000 йил 12 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги 267-қарори каби ҳужжатларда ходимларнинг меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқлари билан бирга, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши учун имконият яратиб бериш, уларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган муҳим меъёрлар ўз ифодасини топди.

Бу эса меҳнат муҳофазаси жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозимлигини кўрсатади. Шунинг учун меҳнат муҳофазаси масаласига жуда эътиборли бўлиш талаб қилинади.

2010 йил 20 июлдаги 153-қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурининг бажарилишига, мазкур дастур асосида тасдиқланган нормаларнинг ижросига алоҳида эътибор бериш керак.

Ахборот-кутубхона муассасаларида турли хил даражадаги жароҳатланиш, касалликларнинг ва бошқа ҳодисаларнинг олдини олишга аҳамият бериш масаланинг муҳим жиҳатидир.

Бир жиҳатдан қараганда, меҳнат муҳофазаси ахборот-кутубхона муассасаларига зарур аҳамият касб этмагандек туюлиши мумкин. Сабаби улар қурилиш, транспорт ва бошқа хавфли ҳамда зарарли хизмат жойларида ишламайди дейиш мумкин. Лекин масаланинг

иккинчи томони ахборот-кутубхона муассасаларида ишлайдиган мутахассисларнинг 80 фоиздан кўпрогини аёл қизлар ташкил этади. Улар китоб, газета ва журналлар билан ишлайди. Қолаверса йирик ахборот-кутубхона муассасаларнинг фонди ертула (подвал)да ҳам жойлаштирилади. Ертўлалар кўпинча зах ва у ерга қуёш нури етарлича тушмайди. Китоблар эса йиллар давомида сақлангани учун ўзида замбуруғ, бактерия ва чанглар тўплайди. Ибн Сино бобомиз агар чанг губор бўлмаганда инсон минг йил умр кўрарди деб бежизга айтмаган.

Ахборот-кутубхона муассасаларида замбуруғ, бактерия ва чанглардан ҳимояланиш воситалари деярли мавжуд эмас ёки эътиборсизлик ва бошқа сабаблар туфайли тулардан фойдаланишмайди. Натижада ушбу касб эгалари аллергия, касб касаллиги ёки шунга ўхшаш касалликларга дучор бўлишлари мумкин. Бунинг олдини олиш ва ҳимояланиш мақсадида Қонуннинг 13 моддасида Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Яъни Меҳнат шароити зарарли ва хавfli ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилиши белгиланган. Шунингдек, қонунда Маъмурият ходимни касб касаллигининг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганда уни бу ҳақда огоҳлантириши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Албатта иш жойларида тўлиқ зарарсиз ва хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш амалда мумкин эмас. Шу сабабли меҳнат муҳофазасининг вазифаси зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш омилларининг ишловчиларга таъсирини энг кам даражага келтиришга имкон берадиган чора-тадбирларни кўришдан, ишчининг шикастланиши олдини олишдан, юқори меҳнат унумдорлигига эришишга ёрдам берадиган қулай шароитларни яратишдан иборатдир.

Хизмат жойларида ишларни меҳнат муҳофазаси қоидалари бўйича ташкил этиш учун молиявий масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур. Келинг бу масаланинг ечими қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганлигига эътибор қаратсак. Қонунининг 11 моддасида Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъи назар, жамоат бирлашмалари, корхона-

ларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилиши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда нозорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилиши белгиланган.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади деб кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг 14 моддасида эса Вазирликлар, идоралар, концертлар, ассоциациялар, бошқа ҳужалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилиши белгиланган):

- Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларнинг бажарилишини;
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;
- Республика санэпидемстанция нозорати;
- Давлат ёнгин нозорати;
- Давлат энергия нозорати нозорат қилиб туради.

Меҳнат муҳофазаси нафақат юргимизда балки бутун жаҳонда эътиборга молик масалалардан бири ҳисобланади, бежизга 28 апрелни халқаро меҳнатни муҳофаза қилиш куни деб белгилашмаган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, меҳнат муҳофазаси ва хавсизлик техникаси талабларига риоя қилиш ва уни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, меҳнат шартномаси тузиш вақтида ходимларни тегишли қоидалар билан таништириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича мутасадди шахсларнинг масъулиятини янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. Шу билан биргаликда ахборот-кутубхона муассасаларида меҳнат муҳофазаси тўлиқ таъминланар экан, аҳоли фаровонлиги янада юксалади, иш унумдорлиги ошиб, меҳнат хавфсизлиги кафолатланади.